


Энг шиддатли оят



09:06 / 14.11.2018 5637

Муҳаммад ибн ал-Мунташирдан:

“Бир одам Ҳазрати Умар розияллоху анхуга:

– Аллоҳнинг китобидаги энг шиддатли ва қўрқинчли оятни биламан, – деди. Умар розияллоху анху бир таёқни олиб, уни астагина урди ва:

– Ўзингча қандай “тадқиқот” ўтказдингки, бундай бир оятни учратдинг? – дегач, ҳалиги киши у ердан кетди.

Эртасига Ҳазрати Умар розияллоху анху ўша одамга учраб:

– Сен айтмоқчи бўлган қайси оят эди? – деб сўрадилар.

– **“Ким бирор ёмонлик қилса, албатта жазосини кўради”** оятидир. Зеро, ҳеч ёмонлик қилмаган одам йўқ. Шунга кўра, бирортамиз ҳам азобдан қутула олмаймиз (нажот тополмаймиз), – деди у киши.

Ҳазрати Умар розияллоху анху бунга жавобан:

– Бу оят нозил бўлганида биз шунчалар қўрқдикки, ҳатто овқат ея олмай қолдик. Ниҳоят, Аллоҳ таоло: **“Ким бирон бир ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳнинг**

мағфират қилувчи ва меҳрибон эканини топар - кўрар” (Нисо, 110-
оят) мазмунли ояти каримани нозил қилди, – дедилар”.

“Қалбимизнинг нури” китобидан